



GAZETA 1993 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 22 феврал, сешанба № 31 (1872)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



МЕҲНАТ АРДОҚЛАГАН КИШИЛАР



Хаётимиз гуллари бўлмиш аёллар ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан юрт равақига муносиб ҳисса қўшмоқда...

Ш.СУЛТОНОВ олган суратлар

ЯПОН ТИЛИ ВА ҲУҚУҚИ МАРКАЗИ

Ўзбекистон ва Япония ўртасида барча жабхаларда, жумладан, қонунчилик ва ҳуқуқ соҳасидаги алоқалар тобора кенгайиб бормоқда...

Таъриба, ташаббус

кўрсатмоқда. Натижада меҳнат муҳофазаси бўйича республика тармоқ кўрик-танловида СамДУ иккинчи ўринни эгаллади.

Оммавий-маърифий, ташкилий ишларда ҳам анчагина ижобий ўзгаришлар кузати-

ланишига замин яратаяпти. Касаба уюшмаларининг оммага яқинлашувининг яна бир воситаси кўпчиликни ўзига жалб эта оладиган спорт тадбирларини қизиқарли ўтказишга ҳисса қўшишдир.

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири

ИШНИНГ МУВАФФАҚИЯТИНИ КАДРЛАР ҲАЛ ҚИЛАДИ

Ана шуларни ҳисобга олиб таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Самарқанд вилоят кенгаши ташкилий ишларни юритиш бора-сида янгича йўл туғди.

ташкilotларининг қўйи ташкilotлари ҳамда меҳнаткашлар билан алоқасини мустаҳкамлади.

тилган тадбирлар қонун талаби даражасида бажарилишини назорат қилиш касаба уюшмалари фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир.

моқда. Айниқса, долзарб мавзулар бўйича ўтказилаётган семинар-ўқувлар аҳамиятли бўлапти.

Таянч ташкилотнинг иш услуби, илгор тажрибалари бошқалар учун меҳон ҳисобланади.

Ходимлар манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳам самара бермоқда.

Ўтган йили Хоразм вилоятида 10 та коллеж ва лицей фойдаланишга топширилган эди.

ЯНГИ ЛИЦЕЙ ВА КОЛЛЕЖ ИШГА ТУШДИ

Бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Сиҳат-саломатлик йилнинг дастлабки ойда Урганч давлат университети қошида янги Академик лицей биноси қурилиб фойдаланишга топширилди.

Э.ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири

Наманган вилояти касаба уюшмалари конференциясидан

САБОҚЛАРДАН ХУЛОСА ЧИҚАРИБ

Давлатимиз раҳбари халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузасида вилоятда ислохотларни амалга оширишда йўл қўйилаётган камчиликлар, мавжуд муаммоларга алоҳида тўхталиб ўтган эди.

Маърузачи ва музокарада сўзга чиққанлар меҳнаткашларни иқтисодий-ижтимоий, ҳуқуқий ҳимоялаш, янги иш ўринларини яратиш, меҳнат муҳофазаси ҳамда жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш каби муҳим масалаларга алоҳида тўхталиб ўтидилар.

бир ходимга ўртача 300 минг сўмдан ортироққа тўғри келади, демекдир. Шунингдек, алоқа ҳамда машинасозлик тармоғида бу кўрсаткич бўйича юқори натижага эришилган.

Таъкидланганидек, мустақиллик йилларида касаба уюшмаларининг фаолияти тубдан ўзгарди.

Анжуманда меҳнаткашларни ўз вақтида иш ҳақи билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

(Давоми 3-бетда)

Ижтимоий Ҳимоя

Касаба уюшманинг кучи - адолатда, меҳнат муносабатларида мутаносибликни таъминлашда кўрилади.

шароитда аксарият далада ишловчилар манфаати муҳофазадан бенасиб қолиш эҳтимоли туғилди.

Кўп Болали Oilаларга Бепул йўлланма

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қурултойида зимида алоҳида масъулият оқланган эди.

ҳалла кўмиталари билан амалий алоқалар боғланиб, қишлоқ ахлига мазмунли дам олишга имкон яратилди.

қилиб келишади. Шундай бир шароитда касаба уюшма меҳнаткаш манфаати томонидан турди.

Этиборга молик жиҳати, касаба уюшма вилоят кенгаши, тармоқ кўмита ва вакилликлар ташаббуси билан ибратли ишларга қўл урилди.

Маълумки, қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилишда мулкчилик шаклига ўзгартиришлар киритилди.

қилиб келишади. Шундай бир шароитда касаба уюшма меҳнаткаш манфаати томонидан турди.

(Давоми 2-бетда)

АЙБДОРЛАРГА ЧОРА КўРИЛДИ

Газетаимизнинг шу йил 8 январ сонидида «Хайратомуш ҳолат...» сарлавхали танқидий мақола чоп этилган.

«Ишонч»га жавоб берадилар

«Ишонч»га жавоб берадилар

Шу билан бирга вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғига ўрнатилган тартибда, режа асосида тиббиёт муассасаларида ишловчилар раҳбар ходимлар ва кадрлар бўлимида ишловчиларнинг ҳолати тўғрисида маълумот олиниши шарт.

Т.ҲАКИМОВ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Кадрлар ва ўқув юртлари бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари

МУАЛЛИФ ТАЛАБИ ҚОНДИРИЛДИ

Газетанинг жорий йил 7 январ сонидида «Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик» рўкни остида Сайхунобод туманидаги «Бирлашган» ширкат ҳўжалиги ишчиси М.Турдимуродовнинг шикоят хати асосида «Сунъий гов...» сарлавҳа-

ли танқидий мақола чоп этилган. Унда ишчининг ҳақ-ҳуқуқи бузилаётгани, 1999 йилдан бўён оила пудрати асосида ҳўжаликда фаолият кўрсатиб келганлиги, шундай бўлса-да, айрим мутасаддилар унинг фермер бўлишига сунъий тўсиқ қўяётгани танқид остига олинган.

А.ТУРДИБОВ, Сайхунобод тумани ҳўқими

Касаба уюшмалари бугун

Меҳнаткашлар манфаатини химоя қилиш учун маъмурият билан жамоа шартномалари, келишувлар, битимлар каби меъёрий ҳужжатлар асосида иш олиб бориш касаб уюшмалари учун янгилик бўлмас ҳам, мулк шакли тубдан ўзгариб бораётган бир пайтда ижтимоий шерикчилик ўзгача моҳият касб этиб, муҳим тамойил сифатида намоён бўлаяпти.

Бозор иқтисодиёти, биринчидан касаба уюшмаларидан ходимлар манфаатларини химоя қилиш, уларнинг умид ва ишончларини оқлаш, иккинчи томондан рақобатга мослашган ишлаб чиқаришни ташкил этиши таъминлаш, вазифа ва режаларни бажаришда иш берувчига шерик сифатида фаолият кўрсатишни тақозо этади.

ИШЛОВЧИ ОИЛАСИДАН ХОТИРЖАМ БЎЛСА

Ўз таркибиде 173 та касаба уюшма кўмитаси, 16 мингга яқин аъзони бирлаштирган давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари вилоят вакиллиги 30 дан ортиқ тармоқ келишувлари асосида иш олиб бораёпти. Тармоқда 176 та юридик шахс макомига эга ташкилот ва муассасалар бўлиб, уларнинг ҳаммасида жамоа шартномалари қабул қилинган.

Тармоғимиз нафақат давлат ташкилотлари ва муассасаларини, балки нодавлат секторидеги тизимларни ҳам бирлаштирган. «Ўқтамбанк», «Қашқадарёбиржасавдо», «Қашқадарёқўмир», «Иккиқилор қора металл», «Кислород» хиссадорлик жамиятларида ходимларни ижтимоий ва интеллектуал манфаатларини муҳофазалашга алоҳида эътибор берилаяпти. Меҳнат унвдорлиги-

нинг фаолияти кенг қамровли. Шунинг учун ҳам асосий эътиборни бандлик, ходимларни доимий иш билан таъминлаш, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва иш

да. Бу мақсадлар учун ижтимоий сўғурта маблағларидан 24,3 миллион, касаба уюшма бюджетидан 1,3 миллион сўм сарфланди. «Саломатлик» спартакиадалари Қарши шаҳри, Шахрисабз, Қарши, Муборак, Яққабоб, Китоб, Ғузур ва Миришкор туманларида уюшқоқлик билан ўтди. Мусобақаларда ғолиб чиққанлар муносиб рағбатлантирилди.

Ўтказилаётган ўқув семинарларда касаба уюшма ишини ташкиллаштириш, жамоа шартномалари, меҳнат муҳофазаси, касаба уюшмалари бадалларидан фойдаланиш, маънавият ва маърифат, спортсоғломлаштириш, меҳнат ва бандлик, пенсия таъминоти, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мавзусидаги суҳбатлар ўтказилмоқда.

Ижро интизомини мустаҳкамлаш, қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ бажарилишига эришиш касаба уюшмаларининг жамоа ўртасидаги обрў-эътибори, нуфузини оширади. Шу боис одамларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини химоя қилишда бошланғич ташкилот фаоллигини янада кучайтиради.

Баҳром ҲИҚМАТОВ, Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитасининг Қашқадарё вилоят вакили

нинг ошиши ходимлар кайфиятига, улар учун яратилган шароитга боғлиқ. Бу борадаги муаммоларни ечиш учун жамоа шартномаларига қўшимча бандлар киритилди. Қизгин баҳс, фикр алмашувлар билан ўтган йилги шартнома иш берувчи ва касаба уюшмаларига тааллуқли вазибаларнинг ижроси чуқур таҳлил қилиниб, наватдаги вазибалар белгиланди.

Синов ва сертификатлаштириш маркази, давлат мулки ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш божқармаси, Миллий банк, «Агросуғурта» акциядорлик компанияси, фавқулодда вазиятлар ва солиқ божқармалари сингари идоралар касаба уюшма ташкилотлари меҳнат ахли олдида масъулиятни сезган ҳолда иш тутиб, ходимлар тўғрисида ғамхўрликни кучайтирганлар. Айни пайтда давлат тизимида хизмат қилаётган ҳар бир ходимга жамоа шартномалари орқали 18242 сўм сарфланган бўлса, бу рақам нодавлат секториде 14686 сўмни ташкил қилади.

Тармоқ ходимлари ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш билан доимий шугулланилмоқ-

Чуст туманидаги «Сабзозор» хўжалигида меҳнаткашларни ижтимоий химоялаш тадбирларига катта эътибор қаратилмоқда. Ишловчиларнинг иш ҳақлари вақтида тўлаб борилиши билан бирга кам даромадли оилалар, яққаблғизлар ҳам хўжалик мададини доимо ҳис қилиб турибди.

Хўжалик-техника саройида ишловчиларга барча шароитлар яратилган. Дам олиш хоналари мавжуд, бепул иссиқ овқат ташкил этилмоқда.

Суратде: илғор механизатор Жўрабой Комилов.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар.



2005 йил — Сўҳат-саломатлик йили

Навоий вилояти республикамизнинг чорвачиликка ихтисослашган қўл худудларидан ташкил топган. Табиати, географик жойлашуви жиҳатдан бошқа вилоятлардан кескин фарқ қилади. Аҳолиси нисбатан зич жойлашган Қизилтепа, Қармана туманларида иқтисодий-ижтимоий масалаларни яхшилаш, аҳолига хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш, инфратузилмани шакллантириш эҳтиом олсонроқ кечар, лекин фермалар оралиғи баъзан юз километрдан ошган жойларда бунини уйдлашнинг ўзи бўлмайди. Айтиш мумкинки, навоийликлар бу вазибаларни оқилона уйдлашмоқда.

БАРЧА МАШИНАЛАРДА АЛОҚА ВОСИТАЛАРИ

Буни «Саломатлик» лойиҳасининг амалга оширилишидан ҳам билиш мумкин. 1999-2004 йилларда вилоятда 114 та ҚВП қурилиб, мослаштириб фойдаланишга топширилиши лозим эди. 2005 йилнинг 1 январига келиб 118 та қишлоқ врачлик пункти ишга тушди. Бу борадаги режа 103,5 фоизга бажарилди. Вилоят ҳокимлиғи 3 миллиард 923 миллион сўм маблағ сарфлади. Ҳар бир ҚВП учун 33 миллион 247 минг сўм харажат қилинди. Ишлаб турганларнинг 89 таси, туман марказий шифоналари лабораторияларининг 9 таси, фельдшерлик-акушерлик пунктларининг 93 таси лойиҳа ҳисобидан тиббиёт мебеллари, аппаратлари, дорилар, реактивлар билан таъминланди. Ишни енгиллаштириш, беморларга тиббий ёрдамни тезлаштириш мақсадида 18 та ҚВПга УАЗ, яна иккитасига «Дамас» русумли автомашиналар олаб берилди. Тиббий ёрдам машиналарига радиоалоқа воситалари ўрнатилди.

ри Навоий шаҳар тиббиёт коллежи қошида очилган доимий ўқув марказида малака оширилди. 20 нафар ўрта тиббиёт ходими Исроил давлатидаги бир ойлик курсларда ўқиб қайтди. Яқин кунларда яна 20 киши Исроилга малака оширишга жўнатилди.

ҚВП раҳбарларининг масъулияти ва жавобгарлигини ошириш мақсадида уларга юридик хўжалик мустақиллиги мақоми берилди. Пул ажратиш учун вилоят молия божқармасига талабномалар берилди. Туман банкларда ҳисоб рақамлари очилди. Қўрилган бундай тадбирлар ҚВПларда тиббий хизмат тури кўпайиши ва сифати яхшиланишига олиб келмоқда.

Вилоятда кадрларни қайта тайёрлашга ҳам катта эътибор қаратилди. Комплексларда ишлаб турган 402 ҳақимдан 53 фоизи Лондон тиббиёт университети дастури бўйича 10 ойлик умумий амалиёт врачлари тайёрлов курсларида ўқитилди. Врачлардан 30 киши Америка Қўшма Штатлари, Англия, Дания, Россия, Украина, Эстония сингари мамлакатларда бўлиб, тажриба алмашиб қайтдилар. Ҳозирги кунда чет элларда олинган тажриба ва билим беморларни даволашда қўл келмоқда. Ўрта тиббиёт ходимларидан 565 нафа-

Жаҳон банки вақиллари ўтган йилнинг октябр ойида вилоятда «Саломатлик» лойиҳаси асосида олти йилда қилинган ишларни ижобий баҳолаб, тўланган тажрибаларни республиканинг бошқа вилоятларига татбиқ қилишни тавсия қилдилар.

Я.САРИЕВ, «Ишонч» муҳбири

ТЎҚИМАЧИЛАРНИНГ

БИЗНЕС ШЕРИКЛАРИ

«Бухоротекс» ОАЖ механика заводи меҳнат жамоаси ўтган йили тўқимачилик дастгоҳлари учун қўшимча қисмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

— 2004 йилда корхонада жами 130 миллион сўмлик 180 турдаги қўшимча қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, — деди корхона раҳбари Раҳмат Жўраев «Туркистон-пресс» муҳбирига.

Шунингдек, меҳнат жамоаси 87 кишидан иборат мазкур корхонада халқ хўжалиги истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳамда аҳолига турли хизматлар кўрсатишга ҳам катта эътибор берилляпти. Қўрилган даромад ҳисобидан корхона Бухородаги 12 ва 30-сонли мактабларга ҳомийлик ёрдами кўрсатмоқда.

«ИБОДУЛЛО» ИЧИМЛИКЛАРИ

«Ибодулло» хусусий фирмасида ўн номдаги салқин ичимликлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Фирма раҳбари Ибодулло Ҳакимов салқин ичимликлар тайёрлайдиган чет эл технология линиясини келтириб ўрнатгани туфайли 36та иш ўрни ташкил этилди. Ўтган йилда фирма меҳнат жамоаси 10 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични икки баравар кўпайтириш ниятида.

ЙИЛ БЎЙИ САБЗАВОТЛАР

Бухоро тумани «Бехзод» фермер хўжалигида йил ўн икки ой сабзавотлар етиштирилляпти.

— Ўтган йили етти гектар ердан ҳаммаси бўлиб 90 тонна сабзавот етказиб берилди, — деди хўжалик раҳбари Тоҳир Элназаров «Туркистон-пресс» муҳбирига.

Йигирма киши меҳнат қилаётган мазкур фермернинг ёрдамчи хўжалигида 50 бош қорамол, 40 та қўй боқилмоқда.

2004 йилда фермерлар аҳолига 15 тонна сўт ва 5 тонна гўшт етказиб беришди. Бундан ташқари, 8 гектарлик пахтазордан 40 тонна «оқ олтун» йиғиб олинди.

Ўтган йилда фермер 5 миллион сўм соф даромад кўрди, ишчиларнинг ўртача ойлиғи эса 40-45 минг сўмга тўлиб келди. Ташкил этилганига ўн йил тўладиган бу йилда фермер ҳосилдорликни янада кўпайтиришни режалаштирмоқда.

«Туркистон-пресс»

ЙЎЛОВЧИЛАРГА КУЛАЙЛИК

Самарқанд шаҳар жамоат транспорти тизими янги автобуслар билан бойиди. «Узтранслизинг» компанияси кўмагида шаҳардаги 2531 ва 2514-автожамланмаларга Россиядан 45 та ПАЗ русумли автобус келтирилиб, 9 та йўналиш бўйича қатнов йўлга қўйилди.

Хозирга кунда йўловчиларга арзон ва ишончли транспорт хизмати кўрсатилмоқда. Жамоат транспортида бепул юриш ҳуқуқига эга фуқаролар бу имкониятдан фойдаланишмоқда.

Наврўз байрамига яна 30 та ана шундай автобус келтирилиб, шаҳар аҳолиси хизматига қўйилиши мўжжалланган.

Қ.РУСТАМОВ



Иқтидорли мутахассислар Роза Қодирова ва Иззатилла Саидовлар номи Шахрисабз нефт унитар корхонасида алоҳида хўрмат билан тилга олинади. Сифат жонқурлари фермерларга хизмат кўрсатишда намуна бўлишмоқда.

И.ҲАСАНОВ олган сурат

Долзарб мавзу

Жиззах вилоят солиқлиқни сақлаш муассасаларида меҳнат қилаётган ходимларнинг 14756 нафарини хотин-қизлар ташкил қилады. Шундай экан, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини химоя қилишдек долзарб масала тармоқ касаба уюшмалари томонидан қандай амалга ошириляпти?

АЁЛЛАРГА ИМТИЁЗ ундан фойдаланиш нега кўнгиладигидек эмас?

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма вилоят вакиллиги ҳамда божқарма ўртасида 2004-2006 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган тармоқ келишувида ходимларнинг тўла бандлигини таъминлаш, меҳнат шартномасини иш берувчилар ташаббуси билан бекор қилишда албатта касаба уюшма кўмитасининг олдиндан розилигини олиш, иш ва дам олиш вақтлари, иш ҳақи миқдорлари, ун тўлаш муддатлари каби масалалар белгиланган.

Ғаллавор, Зомин, Форш туманлари марказий шифоналарида, Жиззах ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш билим юрти, Жиззах туман санитария-эпидемиология назорати марказида хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий химоясида касаба уюшмалари ҳамда иш берувчилар томонидан ибратли ишлар амалга ошириляпти.

унинг вафоти муносабати билан бир йўла бериладиган нафақанинг қонунда белгиланган қўйилганига нисбатан оширилган миқдорлари, болани парварилаш таътиллари вақтини кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган, шунингдек, иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллари меҳнат шартномасида қўйиш бўйича қўшимча меъёрий ҳужжатларни киритилишига эришилляпти. Ана шундай ҳолини Зардор, Пахтакор, Дўстлик, Жиззах туман касаба уюшма кўмиталари фаолиятида кузатиш мумкин.

Тиббиёт муассасаларининг аксариятида жамоа шартномалари тармоқ келишувида мувофиқлаштирилмаган. Тармоқ келишуви бугунги кунгача жойларга етказилмаган бўлса, айрим ҳолларда жамоа шартномаси нуқсаси ҳолидан бўлиши ва ҳисобномага берилляпти. Шунингдек, Жиззах шаҳридаги 2-оилавий табиотхона, Форш туман санитария-эпидемиология маркази, вилоят СПИД маркази, Жиззах туман марказий шифоналарида ҳам жиддий камчиликларни учратиш мумкин.

Вилоят солиқлиқни сақлаш муассасаларида меҳнат муҳофазаси ишларини ташкил этишда имкониятлардан тўла фойдаланилмаяпти. Бунинг оқибатида қатор қўнғилсиз ҳоллар содир бўлмоқда. Ҳаёт учун хавфли бўлган иш участкаларида меҳнат хавфсизлиғи ҳолатини назорат қилиб бориш учун масъул шахслар белгиланмаган.

Вақилликдаги иш шу ва бошқа камчилик ва нуқсонлар вилоят касаба уюшма кенгаши раъсати йиғилишида атрофида муҳокама қилиниб, тегишли қарор қабул қилинди. Эндиги вазифа ана шу қарорни ҳаётга татбиқ этиш, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этишда қолди.

А.АБДУМАННОВ

КўП БОЛАЛИ ОИЛАЛАРГА БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА

(Боши 1-бетда)

Яна бир жиҳат. Худудий касаба уюшма ташкилоти тузилаётганда фермерлар тақлиф этилиб маслаҳат асосида иш тутилди. Эркин, ҳуқуқий асосдаги демократик сайловлар ташкил этилди. Халқ орасида юксак эътиборга, хурматга сазовор бўлган, иши, туриш-туриши билан намуна кўрсатган фуқаролар касаба уюшма етакчилигига тавсия этилди. Кейинги бир йилда фермер хўжалиқлари айланадиралган барча туман ва ширкатларда касаба уюшма ташкилоти фаолият юрита бошлади. Ийрик мулк эгалари эса бошланғич ташкилот билан ҳамкорликда иш юритиш фойдаланган ҳоли эмаслигини тушуниб өтди. Оддий бир мисол. Гулистон туманида қайта ташкил этилган худудий ташкилотлар саъй-ҳаракати билан

меҳнаткашларнинг иш ҳақидаги мурдат ўтиб кетган қарздорлиғи 30 фоизга камайтирилди.

— Касаба уюшма билан ҳамкорлик қилиб кам бўлмаганми, — дейди шу тумандаги «Чорвадор» хусусий фермаси раҳбари Эргаш Ортиқов. — Мана икки йилдирки, бошланғич ташкилот тузиб жамоа шартномаси асосида ишлая бошлади. Фермада тартиб-интизом яхшиланиб, иш суръати ўсди. Сабоби ходимларга муайян имтиёзлар яратиб берилди. Ойлик, муқофотни ўз фурсатида тақсимлаймиш. Ходимлар ижтимоий-иқтисодий химоясини намунали ташкил этганлигимиз учун тармоқ

кўмитаси муқофотида сазовор бўлди.

Корхона ва ташкилотлар эътиборини ёрдамга муҳтож кишиларга қаратишда ҳам касаба уюшма жонбозлик кўрсатляпти. Ўтган йили жамоа шартномаси асосида 88 нафар ногирон, 295 та кам таъминланган оилага, 643 та кам таъминланган кўп бошали хонадонларга моддий қўмақ ажратилди. 30 нафар ногирон, 75 та серфарзанд оилалар бепул дори-дармон билан таъминланди. 273 та кам таъминланган оила фарзандларига бепул ўқув-қуроллари етказиб берилди. 69 нафар ёлғиз пенсионерлар уй-жойлари 52 та ташкилот томонидан таъмир-

Меҳнат муҳофазаси

катта оила ўз бошлиғидан айирилди. Энг ачинарлиси, иш жараёнининг назоратсиз олиб борилаётганлиғи бундай салбий оқибатларга сабаб бўлмоқда. Масалан, ушбу корхонада жамоа шартномаси билан танишиб чиқиш ниятимиз

Асосий ҳужжат ҳисобланмиш жамоа шартномалари алоҳида аҳамиятга эга.

«Жиззах вилоят электр тармоқлари» ОАЖда эса бу иш кўнгиладигидек. Бу ерда қўнғилсизликларни олдини олиш борасида ишчилар билан тинимсиз тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилади. Корхонада жами 1004 нафар ишчи-ҳодим бўлиб, 123 нафари аёллардир. Ўтган йили меҳнат муҳофазаси тадбирларига 14 миллион сўмдан ошқ маблағ сарфланди. Ишчиларга махсус кийим-бош ва зарарли шартнода ишловчиларга сўт махсулотлари мунтазам бериб борилади.

Ю.ОЧИЛДИЕВ, «Ишонч» муҳбири

ҚОНУННИ КўПОЛ РАВИШДА БУЗГАНЛИГИ УЧУН

сидан озод этилди. Унга мувофиқ, ишлаб чиқаришда инсон саломатлиғига зиён етказувчи зарарли омилиларни бартараф этиш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва иш жойларининг талабга мос бўлиши учун барча зарур

сентябр куни кеч соат 23 лар атрофида, Ўзининг махорати-га ишониб тикилган пахтани тозалаган. Натияжада фовега юз берган. Унинг оиласига маъмурият томонидан товон пули ва фарзандларига нафақа ўз вақтида тайинланди. Лекин

Наманган вилояти касабаси уюшмалари конференциясидан

(Боши 1-бетда)

Конференция иштирокчилари яна бир доллар масала хусусида атрофдаги фикрлашиб олишди. Мамуният билан таъкидлашди ўриллики, ўтган давр мобайнида ишчи-хотимлар меҳнатини муҳофаза қилиш, қўлай иш шартлари яратиш, бахтсиз ҳодисалар олдини олиш касабаси уюшмаларининг долмирий эътиборида бўлди. Меҳнат Кодекси ҳамда «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун талабларининг бажарилиши мунтазам равишда ўрганиб борилди. Жумладан, Чортоқ, Янгиқўрғон, Нурин ва Мингбулоқ туманлари ҳамда Наманган шаҳридаги қорхона, ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар вилоят кенгашининг раёсат йиғилишларида муҳофаза қилиниб, камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Бу борада бир қатор муваффақиятларга ҳам эришилди. Хусусан, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ўтказилган кўрик-танловда «Наманган электр тармоқлари» акциядорлик жамияти ҳамда «Наманган курилиш» АЖга қарашли курилиш бошқармаси касабаси уюшма кўмиталари голиб деб топилди.

Лекин шунга қарамай ҳали бу борада бажарилиши лозим бўлган вазифалар бир талай. Хали-ҳанузгача айрим қорхона ва ташкилотларда ишчи қонкурсиз ташкил қилиш, ўқув ва малака талаб қилинадиган ишларга тегишли тайёргарлиги бўлмаган ходимларни жалб қилиш, машина-ускуналари носоз ҳолда ишлатиш, ишловчиларни махсус кийим ҳамда шахсий кийим воситалари, сўт маҳсулотлари билан таъминламаслик ҳолатлари учраб турибди. Шу ўринда мисолларга мурожаат қилайлик. «Наманган ижтимоий курилиш» ассоциациясига қарашли 148-хўжалиқларро механизациялашган кўчма жамлангани Наманган туманида қўрилган қоралар объектларида тегишли қоралар қўрилганлиги боис ишчи С.Зиё

ёвдинов бахтсиз ҳодиса оқибатида ҳалок бўлган. Умуман ҳисобот даврида ишлаб чиқаришда 204 та бахтсиз ҳодиса содир этилди. 226 нафар ишчи турли даражада жароҳатланди. Бахтсиз ҳодисаларнинг аксарият қисми ағросанот мажмуи, энгил сановат, курилиш, савдо ва тадбиркорлик, машина-соғлиқ ҳамда автотранспорт тизимидаги қорхона, ташкилотларга тўғри келди. Албатта, бу кишини ўйлашга, мушоҳада қилишга, келгусида омилкорлик билан иш юритишга ўндайди.

Меҳнаткашлар ўртасида ҳуқуқий-тарғибот ишларини олиб бориш ка-

туловлар ундириб берилди. Бир мисол. «Чорсу дехон бозори» акциядорлик жамияти маъмурияти фуқаро Т.Қаҳоровни муҳандис вазифасига шартнома асосида ишга олган. Бироқ, у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда Меҳнат Кодексининг тегишли моддаси қўпол равишда бузилган. 456 минг сўм миқдоридagi иш ҳақи ва бошқа туловлар берилмаган. Касабаси уюшма аралашуви билан адолат қарор топди. Т.Қаҳоровга тегишли бўлган маблаг ундириб берилди. Шунингдек, Наманган шаҳридаги Маданият коллежи ходими Ҳакимжон Қодиров,

кулов, А.Абдуллаев, И.Мўминовлар ўтган йили Жақсон халқаро турнирида иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритишди. Аммо амалга оширилган ишлар билан бир қаторда вилоят жисмоний тарбия ва спорт жамияти фаолиятида бир қатор камчиликлар ҳам мавжуд. Шунингдек, айрим вилоят тармоқ, туман бошланғич касабаси уюшма кўмиталарида ушбу муҳим ишга ҳамон панжа орасидан қаралмоқда.

Жойларда касабаси уюшмаси ва ташкилотчилигида кўпал маданият-спорт тадбирлари зўр уюшқоқ билан ўтказилаётганлиги билан бирга барча касабаси уюшма ташкилотларида ҳам иш кўнгилдагидек олиб борилаётгани, деб бўлмайдими. Жумладан, Поп ва Мингбулоқ туман агросановат мажмуи ходимлари тизимида бу масалага етарли ҳақиқатлар қаратилмаган. Зиё масканлари - кутубхоналарини бойитиш, «Маънавият ва маърифат хоналари»ни жиҳозлаш ўлда-жўлда. Шунингдек, ёғзи соғломлаштириш мавсумини кўнгилдагидек ўтказиш борасида ҳам ечимини кутаётган бир талай муаммолар мавжуд. Вилоят мактабларида ҳозирги кунда 362 минг нафардан ортиқ 7-11-синф ўқувчилари таълим олмақда. Уларнинг атиги 2 фоизига болалар оромгоҳларида ҳам олдирилиши қандай тушуниш мумкин? Бир пайтлар намунали фаолият юритган Чуст ва Янгиқўрғон туманларидаги 3 та болалар оромгоҳидан ҳозирги пайтда биронтаси ҳам ишаламапти. Бу муҳим масалага келгусида эътибор қаратиш лозим.

«Мовий ёғду» кичик қорхонаси ишчиси Аҳмадjon Ҳошимов, Наманган шаҳар маданият бўлимининг қарашли марказий кутубхона директори Озода Мамадалиева каби ноқонуний ишдан бўзатишга қўл фуқаролар ўз вазифасига тикланди.

Соғлом авлод - келажагимиз. Жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, сифатли табибий хизматни йўлга қўйиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидандир. Вилоят касабаси уюшмалари ташкилотлари ҳам бу эзгу мақсадни рўёбга чиқаришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ҳозирги кунда вилоятда 577 та жисмоний тарбия жамоаси фаолият кўрсатапти. Улар ўз атрофида 130 мингдан ортиқ кишини бирлаштирган. Касабаси уюшмалари вилоят Кенгашига қарашли иккита БУСМада 800 нафардан ортиқ ёшлар спортининг 6 тури бўйича машғулотларда қатнашмоқда. Ўтган вақт давомида 4-БУСМ тарбияланувчиси Рустам Рўзиёев АҚШнинг Атланта ҳамда БААнинг Дубай шаҳарларида ўтказилган халқаро мусобақаларда голиб деб топилди. 2-БУСМнинг ёш боксчилари М.Ота-

Кечаги кунги хатолардан тўғри хулоса чиқариш, омилкорлик, ташаббускорлик, қатъиятлик билан иш юритиш келажақдаги муваффақиятлар гарантдир. Боқимандалик, ўзибўларчилик, мурасосозлик иллатларидан қутулишни давр талаб этмоқда. Демак, асосий ишлар олдирилди.

Конференцияда ташкилий масала кўриди. Пайзулло Паёзов Наманган вилояти касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси этиб сайланди.

Соҳиба АбъАзимова, Камол Оллоёров, «Ишонч» махсус мухбирлари

Жамоа шартномалари шарофати

НУРЧИЛАР БЎШ ВАҚТЛАРИНИ МАРОҚЛИ ЎТКАЗИШАДИ

Касабаси уюшмалари шаҳар ва туман электр таъминоти қорхоналарида ўқитилди. Мақсад ишчи-хизматчилар, инженер-муҳандислар қандай ишлаётганлиги, турмуш кечираётганлигини ўрганиш ва муаммолар ечимини топишда раҳбарларга амалий ёрдам кўрсатишдан иборат. Тизимда ишлаётган 1100 нафарга яқин ходимнинг ишончини оқлаш, касабаси уюшма ташкилотининг фаоллигини ошириш осон иш эмас, албатта.

Жамоа шартномалари касабаси уюшмалари ўз аъзоларини ҳимоя қилиш вазифасини амалга оширишда асосий воситалардан бири ҳисобланади ва ходимлар билан иш беришчиларнинг меҳнатга оид муносабатларини тартибга солиш, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этади. Қорхонамизда бу муҳим ҳужжат меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, касб муносабатларини нафақат тартибга солиш, балки барқарорлаштириш сифатида тан олинганлиги муваффақиятини таъминлайпти.

Шартномалар муносабатлар механизмининг такомиллаштиришда иш беришчилар билан имозланган жамоа шартномаларининг бажарилиши ишчи-хизматчилар турмуш фаровонлигини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатади. Унинг ижроси ҳар қандай қўриб чиқилиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланади.

Мингдан ортиқ касабаси уюшма аъзолари ва 16 та цех ташкилотларини бирлаштирган йирик жамоада 200 га яқин хотин-қизлар меҳнат қилаяпти. 360 та кам таъминланган оилалар, 15 нафар нафақахўрлар бор. Касабаси уюшма шартномаси орқали ижтимоий ривожланиш, меҳнат шарафлари ва муҳофазаси, ойлик маошларнинг тўлиниши, бандлик ва иш билан таъминланиш даражаси каби масалаларни ҳал этишда қўнун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёз ва қўнунларнинг амалга оширилишига эришиш мумкин. Қўшимча мукофот, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, боқувчисини йўқотган, серфарзанд ва кам таъминланган оилалар, ёш болалари бор аёлларга қўшимча имтиёзлар жорий этилган.

Кейинги икки йилда ходимларга бериладиган энгилликлар учун 17 миллион 145 минг сўм маблаг ишлатилди. Меҳнат таътилига чиққанларга 8,8 миллион сўм ажратилди. Нафақага чиққанлар бир марталик мукофот ва қўшимча рағбатлантирилди. Одамларнинг даволаниши учун 1 миллион сўмдан ортиқ маблаг ажратилди. Оғир оила шарафлари ва яқинлари вафот этган кишиларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Меҳнат муҳофазаси бўйича ҳар йили умумий даромаднинг 1 фоизи миқдори-

да маблаг ажратилди. Электр энергияси таъминоти ходимларининг йил ўн икки ой, кечая кундуз тинимсиз ишлаши ҳисобга олиниб, ишлаб чиқариш санитарияси ва гигиенасини яхшилаш, бепул кийим-кечаклар ва бошқа ҳимоя воситалари олиб бериш учун 11 миллион сўм маблаг сарфланди. Иш жойларидаги мавжуд нуқсонлар вақтида бартараф этилиши, меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси ва сановат санитарияси меъёрларига тўлиқ амал қилиниши бахтсиз ҳодисалар камийишини таъминлайди.

Ходимлар, уларнинг оила аъзоларини дам олдириш ва соғломлаштириш учун долмирий гамхўрлик кўрсатилапти. Сақсондан ортиқ долмирий санаторий ва профилакторийларда доволаниб, соғлигини тиклади. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандларидан 190 нафари Тошкент ва Хоразм вилоятидаги оромгоҳларда соғломлаштирилди.

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга эътибор катта. Нурчилар бўш вақтларини теннис корти, волейбол майдончаси ва бадий гимнастика машғулотларида қатнашиш билан мароқли ўтказадилар, шахмат-шақша мусобақаларида иштирок этадилар. Ўтган йили 2 миллион сўмликдан ортиқ спорт жиҳозлари олиб келиб ўрнатилди. Тармоқ ходимлари миллий кураш ва волейбол мусобақаларида республика бўйича фахрли 2- ва 3-ўринни эгалддилар. Ш.Хужаназаров, А.Бердақов, А.Далжоновлар бронза медаллари ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Яқинда қорхона ва унинг жойлардаги бўлимларида жамоа шартномаларида қўйилган вазифаларнинг бажарилиши чуқур таҳлил қилинди. Иш беришчилар ва кўмита ўртасида ижро, касабаси уюшма аъзолари орасида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди. Иш беришчилар ва касабаси уюшма ташкилотининг ҳамкорлигида фаолият бозор иқтисодиёти шарафларида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, ходимларнинг ишлаш ва яшаш шартларини яхшилаш имконини бермоқда.

В.СТАЦЕНКО, «Қорақалпоқ электр тармоқлари» қорхонаси касабаси уюшма кўмитаси раиси

Шовот туман «Пахта банк»и жамоаси миҳозларга намунали хизмат қилиб келмоқда. Бу ерда кредит ёки нақд пуллар тадбиркор, фермер, чорвадорларга ўз вақтида етказиб берилмоқда. Шунинг учун бўлса керак банкирларнинг бу сай-ҳаракатидан аҳоли мамнун.

Яқинда жамоа янги бинога эга бўлиб, бу ерда барча шарафлиқ яратиб берилган. Компьютерлар, ҳисоблаш машиналари, алоқа ускуналари мунтазам ишлаб турибди.

Суратда: хисобчи К.Бекчанов, бошқарувчи Г.Досова ва бош мутахассис У.Авезова.

Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида мотокросс бўйича Ўзбекистон очик чемпионатининг биринчи босқич мусобақалари яқунланди.

МОТОКРОССЧИЛАР

БЕЛЛАШУВИ

Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Республика техник ва амалий спорт турлари маркази ўтказган беллашувларда вакилларимиздан ташкари Россия, Қозоғистон ҳамда Тожикистон мотокроссчилари қатнашди. Нейвоийлик Д.Лимар, Ҳойтахтлик А.Кандрашов ҳамда россиялик О.Шаббаев ўз йўналишларида голиб чиқди.

Мусобақа навоийлик мотокроссчиларнинг умумжамоа ҳисобидаги галабаси билан яқунланди.

(ЎЗА)

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ЭЪТИБОРИДА

Бутун вилоятда бўлгани каби Жондор туман таъмин-тарбия муассасаларида ҳам «Мақтаблар кўни» муносабати билан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўқув-тарбия ишларининг сифат ва самардорлигини Давлат таълим стандартлари талаби даражасида ташкил этиш, ёшларни ватанга содиқ, юксак маънавиятли кишилар қилиб тарбиялаш борасида турли маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб кели-

напта. Келажақ авлодни соғлом, баркамол инсонлар бўлиб вояга етишида спорт машғулотларининг аҳамиятини ошириш ва спортнинг оммавийлигига эришиш борасида тинимсиз изланишлар олиб борилапти. Хусусан, мактабларнинг спорт заллари ва майдончалари қайта таъмирланиб, янги жиҳозлар билан таъминланапти. Болалар спортини ривожлантириш мақсадида мактаб ўқувчилари ўртасида турли мусобақалар ўтказилмоқда.



Бу ишларни амалга оширишда ҳомий ташкилотлар, жамоа хўжалиқлари, ота-оналар яқиндан ёрдам беришмоқда.

Касабаси уюшмалари туман вакиллиги томонидан 2003-2004 йилларда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари

учун 200 минг сўмлик дарслик олиб берилди. Шунингдек, кам таъминланган, иқтисодий ёрдамга муҳтож ва қасалманд ходимларга 111 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Сай-ҳаракатлар натижаси ўлароқ 24 нафар ходим профилакторийларда, 13 нафари санаторий-курортларда доволаниб соғлиқларини тиклаб қайтди. Улардан икки нафари бепул йўллар билан таъминланди. 2004 йилда соҳада фаолият юритаётган кам таъминланган оилаларнинг 200 нафар фарзандлари мактаб олди оромгоҳларида дам олдилар.

И.ХАСАНОВ олган сурат

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

РАҚОБАТГА БАРДОШ БЕРИШ ҳар бир миҳоз учун курашиш дегани

Бозор иқтисодиётини ривожлантиришда банкларнинг ўрни жуда катта. Шу боис мустақиллик йилларида ўнлаб янги банклар ишга тушди. Шулардан бири «Ўзўй-жойжамгарнабанк»дир. У 1997 йил ташкил этилди. Қарийб саккиз йил давомида мазкур банк кўпал ишларни амалга оширди. Масалан, 1999 йил охирига қелиб банк SWIFT халқаро тўлов тизимига қўшилди. 2001 йилда эса банкнинг депозит ва жамгарма сертификатлари муомаласига чиқарилиди. 2002 йили пластик картчаклар муомаласига киритилди, банк «Американ Экспресс» йўл чеклари асосида хизмат кўрсата бошлади, хорижий валютада кредит бериш йўлга қўйилди.

Бу ишларни амалга оширишда Тошкент шаҳар бўлимининг ҳам ҳиссаси катта. Бўлим «Имконият яратамиз» тамойили асосида иш юритади. Ҳозирги кунда банк ўз миҳозлари учун турли хизматларни тақлиф этмоқда. Оддий касса тўловидан тортиб махсус банк хизматлари йўлга қўйилганлигини бунга мисол тариқасида келтириш мумкин. Бундан ташқари, бўлим корпоратив ва хусусий миҳозларга тақлиф этилаётган хизматлар сифатини яхшилаш, мукамаллаштириш, кенгайтириш, соҳага янги технологияларни олиб кириш борасидаги ишларни олиб бормоқда.

Банк сибестиди имтиёзларнинг мавжудлиги кейинги йилларда соҳада кучли рақобат юзата келганлигидан далолат беради, дейди бўлим бошлиғи Эркин Зоҳидов. «Ўзўй-жойжамгарнабанк» ва бўлимининг аҳоли рақобатига бардош бера олиши учун миҳозларга турли хизматларни тақлиф этиб, уларни юқори сифатли бажариш, ҳар бир миҳоз учун курашиш каби юмушларни олиб бормоқда. Хусусан, бўлимининг ўтган йили банк капиталлари ва аҳоли жамгармаларини қўлайтириш, депозит базани кўнайтириш, жамгарма кассалар, мини-банклар тармоғи ҳамда бошқа кўрсатилаётган хизматлар турини кенгайтириш ишларига алоҳида эътибор қаратди. Натижа-

да миҳозлар сони бурноғи йўлга нисбатан 650 тага қўлайиб, 1600 тани ташкил этди. Бўлимда депозит операцияларини бажаришда фоиз ставкаларининг эгилувчан бўлишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, бу ерда юридик ва жисмоний шахслар учун фоиз ставкалари турлича ишлаб чиқилган. Ўтган йили аҳолининг бўш пул маблағларини банкка жалб қилиш мақсадида жисмоний шахсларга йиллик 36 фоизгача бўлган турли хилдаги омонатлар тақлиф қилинди. Бунинг натижасида жорий йилнинг 1 январь ҳолатига банк депозит базаси 18,64 фоизга ошиб, 11 миллиард сўмдан ортиқ миқдорни ташкил этди.

Кредит банкка асосий даромад келтирувчи хизмат тури ва иқтисодиётнинг реал секторини молиялаштиришда катта аҳамиятга эга бўлгани боис бўлим ўтган давр ичиде бу соҳада амалиётларни кенгайтириш ишларини фаолаштирди. Бунда ҳар бир миҳозга алоҳида ёндашиш, кредитларнинг барча турлари ва манбаларидан кенг фойдаланиш, қарз беришда қўшимча хизмат турларини кўрсатиш каби тамойилларга амал қилинди. Хуллас, бултур банк кредитлари импорт ўринини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, йирик объектлар бозорларни куриш ҳамда бошқа мақсадларга ажратилди. Бугунги кунга қелиб бўлим кредит-портфели 1 миллиард 176 миллион сўмга қўлайди.

Ғулom ЮСУПОВ, «Ишонч» мухбири

Фарғона шаҳрида энг илгор диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиси кўрик-танловининг шаҳар босқичи яқунланди.

ТАНЛОВ

Унда маслаҳатчиларнинг ўз соҳаси бўйича назарий ва амалий билими, орттирган таҳрибаси ҳар томонлама синовдан ўтказилди.

Фарғона шаҳридаги 20-маҳалла вакиласи Донахон Мамажонова шаҳардаги энг илгор маслаҳатчи деб топилди.



Р.ЖУМАНИЕЗОВ (ЎЗА) олган сурат

Ҳурматли фермер хўжалиқлари раҳбарлари!

Қишлоқ хўжалиғи инфратузилмасини тубдан тараққий эттириш ҳамда иқтисодий қўллаб-қувватлаш борасида масъуллардан бири сифатида республикамизнинг энг йирик ва нуфузли банкларидан бири Акциядорлик Тижорат «Пахта банк»

аграр тармоққа хизмат кўрсатувчи барча қорхона ва ташкилотларни, хусусан, давлат эҳтиёжи учун пахта ва галла маҳсулотларини еттиштириб келаётган, бугунги кунда қишлоқ хўжалигининг асосий бўғини бўлган барча фермерларни банк хизматидан фойдаланишга тақлиф этади. «Пахта банк»нинг жойларда фаолият юритаётган 183 та филиали, мавжуд 312 та ва янги-

дан ташкил этилаётган 129 та мини банкларни сизларга доимо ўз вақтида тезкор ва сифатли банк хизматини кўрсатади! «Пахта банк»нинг етук ва малакали ходимлари томонидан қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш масалаларига оид Ўзбекистон Республикаси Президентини Фармонлари ва Ҳукуматимиз қарорлари юзасидан ҳамда Мо-

лия вазирлиғи ҳузуридеги «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамгармаси» ҳамда Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган йўриқномалар, пахта ва галла етиштиришда кредитлашнинг янги механизми, яъни қўлай ва соддалаштирилган кредитлаш механизми орқали имтиёзли кредитлар олиш борасида Сиз азиз

фермерларга бепул консалтинг хизматлари кўрсатилади. Шунингдек, банк ўз реурслари эвазига қишлоқ хўжалиғи қорхоналари моддий техника базасини мустаҳкамлашга ҳам кредитлаш ва лизинг асосида молиявий кўмак беради. «Пахта банк» Сизнинг ҳамкорингиз ва биз Сизни миҳозларимиз орасида кўришдан бағоят хурсандмиз!



Ҳикматлар сандиғи

Абулқосим Фирдавсий авлодларга қолдирган мерослар ичида «Шохнома» алоҳида мактаб касб этади. Ушбу асар устида аллома 35 йил ишлаган. Асар Эрон ва Урта Осиё халқларининг 4 минг йиллик тарихини ўз ичига олади. У нихоятда нафис ва ёқимли тилда ёзилган. Халқ тилида ёзилган, юксак истеъдод маҳсули бўлган ушбу дostonда халқпарварлик, ватанпарварлик, динят, дўстлик, инсоф, меҳнатсеварлик, сadoкат мадҳ этилади.

Шу боисдан аллома дейди: Кайда равшан бўлса, тўғрилиқ нури, Эгрилик сўнади, қурийди шўри.

Бировга ёмонлик тилash қусурдир. Нафақат ёмонлик қилиш, ҳатто уни хоҳлаш ҳам гуноҳи азим ҳисобланади. Бинобарин: Бировга соғинса ҳар ким ёмонлик, Нихоят ул ўзи топмас омонлик.

Доно халқимизнинг «Бировга чоҳ қазсанг, ўзинг йиқилсан» деган нақли бекорга айтилмаган. Ахир ёмонликнинг катта-

БИРОВГА СОВИНСА ҲАР КИМ ЁМОНЛИК

яйради. Кайфияти чоғла-ниб, соғлиги ҳам мустахкамланади. Ҳуҷумомалалик жон хузур, димоғчоғликнинг сабабчиси. Душманни дўст қиладиган, чексиз хурсандчилиги шодликларнинг асоси ҳам у. Айна вақтда донишманд камгалликни ҳикмат деб билган. Сўзлашининг ҳам меъёри бўлади. Меъёр бузилса, оқибати хунук бўлиши мумкин. Маза-матрасиз сўзлардан қочиб ҳам ақллилик белгиси ҳисобланади. Зеро тўмтоқ сўзлаб, асабни бузгандан кўра сукут сақлаш минг бора афзал.

Раҳмдиллик ҳам инсонийликдир. Раҳм-шафқатли одамнинг бағри кенг, дили очик ва дилқас бўлади. Бировга озор беришдан ҳайқайди. Чунки бераҳм, шафқатсиз одамларнинг адолатсизлиги натижасида инсониятнинг бошига тушган қулфатларнинг чегараси йўқ.

Адолатсиз киши дилин тилка қил, Шохин сандир ҳамда илдиларин юл. Адолатсизлик оқибатида кўп қулфатлар палак ёзади.

БЕЛЛАШУВ КАТАҚЎРҒОНДА БЎЛАДИ

Кундалик ҳаётимизда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти нихоятда катта. Бугунги кунда бунга кўпчилик англаб етди. Кишлоқ ҳўжалигида ва умуман, бошқа соҳаларда ҳам ишинг узулуксизлиги, баъзи қийинчиликлар мавжудлигига қарамай оммавий спорт тадбирларини белгилашнинг асосида ўтказиш имкониятлари топилимоқда. Мухими, бундай тадбирларда меҳнатқашлар, айниқса ёшлар иштиёқ билан қатнашмоқда.

Касаба уюшма спорти

Туманда ўтказилган энг оммавий спорт тадбирларидан бири уста пахтакор М.Шодиев хотирасига бағишланган футбол турнири, десам муболага эмас. Унда 38 жамоа қатнашди. Уч босқичли бу мусобақа худудлар бўйича уюштирилган муҳлисизларга маъқул тушди. Турнир голиблари муносиб рағбатлантирилди. Масалан, голиб жамоалардан бирига хомийлар томонидан 200 минг сўмлик спорт кийимлари ва анжонлари ҳада этилди. «Фалаба» ширкат ҳўжалиги жамоаси ҳам шу тараққа тақдирланди.

Кўплаб вилоят ва республика мусобақаларининг Катақўрғонда ўтказилиши ҳам спорт ривожига муҳим омил бўлаётганини таъкидлашни истардим. Шу маънода Ўзбекистон дон маҳсулотлари давлат акционерлик компанияси ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан футбол бўйича «Олтин бошқоқ» мусобақалари ташкил қилинганлиги айни муддао бўлди. Бу беллашувларда мезбонлар биринчилиги кўлга киритишди. Самарқанд вилоят АСМ ходимлари касаба уюшма кўмитаси, эса туманда вилоят кишлоқ спартакиадасини ўтказди. Бундан ташқари, туман ташкилотлари ташаббуси билан турли хотира турнирлари, байрам беллашувлари уюштирилмоқда. Эндilikда спорт мусобақаларини маҳалла ва кишлоқларда ҳам ўтказишга қизиқиб ортаятти. Жумладан, Саройқўрғон, Кичикмундиён, Майбулоқ ва бошқа кишлоқларда ҳам маҳаллалар ўртасида мусобақалар ўтказиш аънаанага айланиб қолди.

Оммавий спорт тадбирларида фаол иштирок этиш меҳнатқашларнинг, фуқароларнинг бирдамлигини таъминлаб, уларнинг серунум меҳнат қилишига замин яратмоқда. Х.ХОЛДОРОВ, Катақўрғон туман касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти Кенгаши раиси

2005 йил — Сўхат-саломатлик йили

Кишлоқ врачлик пункти дейилганда бугун малакали тиббий хизмат кўрсатиладиган, ўзига хос меъморий услуб билан қурилган маскан кўз олдимизга келади.

Пахтакор туманидаги А.Икромов номли кишлоқ фуқаролар йиғини худудда жойлашган врачлик пункти намунали масканлардан бири. Унга тажрибали шифокор Мамлакат Мўминова раҳбарлик қила-

риб, тиббий тавсиялар беришади. Диспансер назоратида турган 650 киши доимий этибормда.

Физиотерапия, жарроҳлик, стоматолог, терапия, болалар хонаси, клиник лаборатория хоналари мунта-

ДИСПАНСЕР НАЗОРАТИГА ОЛИНДИ

ди. Тўрт нафар малакали шифокор, 11 нафар ҳамшира меҳнат қиладиган бу жамоа кишлоқ одамларининг том маънодаги «нажот қалъаси» — шифо масканига айланган.

Олди ойнаванд, мухташам бино ҳовлиси саранжом-сарништа. Гилам-поёндоз тушланган зал бўйлаб оросталик ҳўкм суради. КВП мудираси Мамлакат Мўминованинг айтишича, утган йил давомида 39.400 та муружаат бўлган кундузги стационарда 360 бемор даволаниб меҳнат қўчоғига қайтган. Мақтаб ёшидаги 1634 нафар бола кўриқдан ўтказилган. Тугиш ёшидаги 1727 нафар аёл врачларнинг доимий назоратида турибди. Ҳафтанинг ҳар жума кунини туман марказий шифохонасидан бир гуруҳ малакали шифокорлар бу ерга ташир бую-

зам ишлаб турибди. Дори-дармон таъминотидан 36 нафар турли тоифадаги имтиёзли шахс белгиланган қоидага мувофиқ фойдаланиб келишади. Катта ҳамшира Кимё Қаршиеванинг айтишича, тез тиббий ёрдам бўйича 32 хилдаги дори-дармон ҳамиша мавжуд.

Кундузги стационарда даволанаётган айрим беморлар билан сўхбатлашамиз. Тельман Назаров, тадбиркор: — Мен икки кун аввал қон босимим ошиб, оғир аҳволда бу ерга келгандим. Мана, кўриб турганингиздек, ҳозир отдекман. Шифокорлардан миннатдорман. Кўллари ҳеч дард кўрмасин, дейман.

Маҳбуба Амирова, «Элита» корхонаси ишчиси: — Соғлигим ёмонлашиб, бу ерга келтирилдим. Аввалла-

ри салгина бетобланиб қолсак, ўнлаб «қарим йўл» босиб туман ёки вилоят марказига бориб даволанишга тўғри келарди. Қанча вақт, қанча маблағ сарфланишини айтмаймизми? Энди эса кишлоқимизнинг ўзида шифохона бор. Бу ерда малакали шифокорлар ҳам таъминатга, ҳам қалбимизга малҳам бериб келишмоқда. Бунинг устига шифохонага касаллик варақаси топириб, ижтимоий ҳимояланганига ҳам эга бўлдим.


КВПда ишловчи ҳар бир ходимга участка бирктирилган бўлиб, улар ўз худудларида истикомат қилувчи одамлар саломатлиги йўлида қайғурдилар. Шуниси эътиборлики, «Оила ҳамшираси» назорат тизими жорий этилган бўлиб, унда ўзгалар парварчилига муҳтоб, ёлғиз кексалар, ногиронларга тиббий хизмат кўрсатилади. 15 та оила ана шундай тиббий назоратга олинган. Масалан, Бахтиёр Худойкулов бахтсиз ҳодиса туфайли I гуруҳ ногирони бўлиб қолган. Унинг ҳолидан оила ҳамшираси мунтазам хабардор бўлиб туради, доимий муолажаларни ўз вақтида бажариб боради. Шунингдек, Озода Ҳакимова, Нурия Юлдошеввалар ҳам бу имтиёздан фойдаланишмоқда.

— Жамоа саяё-ҳаракати ўлароқ КВП Япония грантини олишга эришди. Бу эл соғлиги йўлида хизмат кўрсатиш турлирини янада кенгайтириш имконини берди. А.АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири

Наманган вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли лицей-интернат қисқа фурсат ичида иқтидорли болаларни тарбиялайдиган намунали таълим даргоҳларидан бири сифатида тилга тушди. Биргина утган йили битирувчиларнинг 88 фоизи олий ўқув даргоҳларига қабул қилинганлигининг ўзийёқ кўп нарсани айтиб турибди.

Табиийки, ўқиш-ўқитиш савиясини биринчи навбатда бу ерда таълим бераётган ўқитувчилар белгилайди. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ва мураббийларни қайта ўқитиш, малака оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фан ўқитувчиси Раънохон Исоқова яқинда Японияда малака ошириб қайтди. Яна бир муаллим республика «Йил ўқитувчиси» кўриқ-танловига рағбатлантирувчи ўрини эгаллади.

Суратлар: лицей-интернат ҳаётидан лавҳалар. Икром ХАСАНОВ олган суратлар.



Биз билган, билмаган дунё

ҳарбий кишлоқлар бу ерда ҳар 4 ойда бир марта маош олганлар. Хиндистонда фасл учта бўлиб, уни 4 ой ёй, 4 ой пашоқ, 4 ой киш дейдилар. Шунга кўра сарбозлар бир йилда уч маротабагина шў ҳақи олганлар. Давлат зарбобонаси (ҳазина) ҳовуз сингари чуқурликда барпо этилган маҳсус омборларда сақлаб турилган. Абдураззоқ ўша даврда бу юртларда яшовчи элнинг умумий аҳолини тахлил қилиб, бою камбағал

икки-уч кун ундан ҳеч ким хабар олмай, озик-овқатсиз қолдириб уни тавбасига қантларир эканлар. Сўнгра, филбонлардан киши аста унга яқинлашиб, яхшилаб қалтаклар экан. Шунда иккинчи филбон филнинг кўз олдида меҳрибонлик кўрсатиш учун ҳалиги қалтактоқ кишини ёлғондакам дўлпослаб, қўлидаги таёқни отиб юборган. Чоҳдаги фил эса бу жараёни кўзи билан кўриб турган. Шундан кейин филбон жабордийда фил ёнига аста яқинлашиб, унга егуликлар бериб, бошини сийпалайди. Шундай ҳолат бир неча кун такрорланган, қўлга тушган фил ёввош тортиб етоғга юрар экан.

Абдураззоқ Самарқандий подшо саройидан қочган фил ҳақида кутулмак вақеликни хикоя қилади. Бу жангари фил ҳеч қимга тўтқич бўмай, чоҳ томон қўлаб борилганда, у дарҳол узун бир таёқни ҳартумига қисиб, ундан ҳасса ўрнида фойдаланган ва чоғга тушиб кетмайин деб уни хашаклар устига санчиб-санчиб олдинга интилган. Бу ҳолатни кўрган одамлар беҳад таажубга тушганлар.

Буюк сайёх Абдураззоқ Самарқандий подшолик идорасини кўриқлайдиган 12 минг сарбознинг иш фаолияти, яшаш тарзига ҳам диққат-эътиборини қаратган. Маҳмуд НАЗАРОВ, филология фанлари номзоди (Давоми бор)

МАШҲУР САЙЁХ

ати уч юздан ортиқ бандари, мингдан ортиқ жангга ҳозир турган филлари, 11 масдан темир қалам билан ўйиб ёзар эканлар. Шу усул билан ёзилган мактубини улар нихоятда бебаҳо деб аталиши, брахманларнинг саройидаги обрў-эътибори ҳақида қисқача маълумот берган элчи, ақллилик ва донолиққа «рой»га яқиндан ёрдам берадиганлар шўбҳасиз брахманлар эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Дарвоқе, ҳинд масаллар тўплами «Калила ва Димна»да ҳамушароё ва брахманлар ҳикоя-

«варақа» деб номланган тангаси ҳақида тушунча беришди. Шу пулнинг ярим нариҳиқ тўриқ келадигани эса «партоб» деб аташар экан. Партобининг ўндан бир қийматига келадигани «фанам» деб юритишади. Унинг маълум қилишича, фанам муомалада энг кўп ишлатилар экан. Фанамдан ҳам кичикроқ майда пулни «тор» деб, унинг ундан бир қийматига тенг ҳақасини «чалта» деб атар эканлар.

Бу мамлакатда давлат хазинасига йиғиладиган пул вилоят валийлари томонидан бир вақтнинг ўзида тўпланар экан. Салтанат тилалари эса эритилиб, бир бутун қуйма шаклда сақланишини ҳам Абдураззоқ Самарқандий бизга маълум қилади. Тиллаларнинг бундай яхлит ҳолатда сақланиши, энг аввало унинг талон-тарождан сақлаб турган. Ҳукумат измидаги бар-

ти қайта-қайта тилга олиниши беҳиз эмас. Абдураззоқ Бижонагарда турли номлар билан аталадиган улуг Хисор (кальа)лар билан бизни таништирир экан, ёлғиз шу қалъаларнинг ўзи бутун бир Хирот шаҳридан ҳам каттароқ эканлигини айтади. Шундан кейин у роининг саройида бўлиб, у ердаги «Анвоий Кайвончи» таъсирлашга киришади. Дастлаб у султоннинг кирқ устуни девонхонаси маҳобати ҳақида ҳавас қилгудек фикрларини билдиради. Айниқса, девонхонада ўтирадиган мансабдорларнинг тартиб-интизоми, ҳарбий ҳолати, фикрга оид ишлар билан шўғулланувчи, «домояк»нинг мавқеи ҳақида бирма-бир маълумотлар бериди.

Хиротлик элчи у ердаги ёзув усулларига ҳам синчков муносабатда бўлади.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари) «Ишонч-Доверие», Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбеч, Қудратилла Рафиков, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган; Босишга топшириш вақти - 21.00; Топширилди - 23.00

Махсуслаш: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134; Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган; ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда; «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.